

Проф. Дилшод ШОЛДАРОВ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада ижтимоий ҳимоя тизимини шаклланиши, ижтимоий ҳимоя тизимининг назарий асослари, жаҳон амалиётида аҳолининг турмуш даражаси, турмуш сифатини баҳолаш ҳамда ижтимоий ҳимоя йўналишлари, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масалаларида давлатимизнинг устувор вазифалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари, ижтимоий ҳимоянинг умумий тамойиллари, ижтимоий ҳимоя дастурларининг ривожланиш тамойилларининг таснифланиши, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбуриятлари акс эттирилган.

Калит сўзлар. Ижтимоий таъминот, ижтимоий ҳимоя, аҳоли турмуш даражаси, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари, шахсий эҳтиёжлар, ижтимоий муносабатлар.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASIS OF FINANCIAL SUPPORT TO THE POPULATION IN NEED OF SOCIAL PROTECTION

Abstract. In the article, the formation of the social protection system, the theoretical foundations of the social protection system, the standard of living of the population, the assessment of the quality of life and the directions of social protection in the world practice, the priority tasks of the state in matters of social protection in our country, the systems of social protection of the population, the general principles of social protection, the principles of the development of social protection programs classification, as well as the constitutional obligations of the state to reliably protect human rights and freedoms are reflected.

Keywords. Social security, social protection, standard of living of the population, systems of social protection of the population, personal needs, social relations.

Кириш

Ижтимоий ҳимоя давлатнинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий кафолатлар йиғиндисини ташкил этади. “Ижтимоий ҳимоянинг асосий вазифаси ижтимоий қийин аҳволда қолган аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ёки кутилаётган моддий қийинчиликлар ҳақида огоҳлантиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётининг

хусусияти шундан иборатки, шахсининг иқтисодий ҳаётда қай тарзда иштирок этиши ҳақида ўзи мустақил қарор қабул қилади. [1].

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя масалаларига давлатимизнинг устувор вазифалари ичида алоҳида аҳамият берилади. “Бу аввало бош қомусимизда, турли қонун ҳужжатлари, қарор, фармонлар ва давлат дастурларида ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси IX бобида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари келтирилган. Хусусан, 39-моддасида ижтимоий таъминот ҳақида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” деб қайд қилинган”[2]. Ушбу конституциявий ҳуқуқ фуқароларимизнинг энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларидан бири сифатида қонуний асосда ҳар томонлама кафолатлаб қўйилган.

Адабиётлар таҳлили

Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражаси аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилган. В.Н.Салин, Е.П. Шпаковскаялар “Аҳоли турмуш даражаси бу инсон ҳаёти фаолиятининг, энг аввало, барча ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади”[3] деб хулоса берган.

Мазкур соҳанинг назарий жиҳатларини тадқиқ этган россиялик олима Г.В.Черкасская бу борада шундай баён қилади: “Ижтимоий ҳимоя инсоният жамияти пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлган доимий ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳодисадир”[4].

Иқтисодий адабиётлар таҳлили ““ижтимоий ҳимоя” категориясини хавф-хатар омиллари каби таърифлар билан тўлдиришга мойиллик мавжудлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда”, “ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси - бу меҳнат ҳиссаси, иқтисодий мустақиллик ва тадбиркорлик эвазига шахсий ва ижтимоий фаровонликни таъминловчи, ижтимоий хавф-хатар омилларини юмшатовчи ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар тизимидир”[5]. Шунинг алоҳида келтириб ўтиш лозимки, ижтимоий ҳимоя юзага келадиган ҳал хил бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини топиш ва уларнинг таъсир доирасини камайтириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, “ижтимоий ҳимоянинг дастлабки механизмлари табиий ва хусусий характерга эга бўлган, аммо соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғуртанинг давлат тизимлари жорий этилганда ижтимоий ҳаётнинг ушбу соҳасини миллийлаштиришнинг ўзига хос тури

бор эди, бу, шубҳасиз, прогрессив қадам эди. Ҳозирги вақтда маълум бўлган ижтимоий ҳимоя шакллари ва усулларининг хилма-хиллиги ҳар бир ўзига хос давлат учун тарихан белгиланади, шу жумладан унинг жойлашуви, миллий ва диний хусусиятлари, иқтисодий ривожланиш йўналиши, давлат ва сиёсий тузилманинг хусусиятлари, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдур”[6].

Г.Касимованинг “Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳанинг молиявий таъминоти услубиётини такомиллаштириш” номли монографиясида, “Аҳолининг турмуш даражаси одамларнинг зарур моддиё ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, инсон тараққиёти билими, салоатлиги, шахсий эҳтиёжларини қондириш имкониятларини ҳамда унинг яшаш шароитлари, иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигидир. Аҳолининг турмуш даражаси инсоннинг жисмоний, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилишини ифодаловчи индикаторлар асосида аниқланади”[7].

Таҳлил ва натижалар

“Тарихан ижтимоий ҳимоя инсоният билан қадам-бақадам одимлаган бўлса-да, биринчи бор расман қонун сифатида эълон қилинганига ҳали кўп ҳам вақт ўтгани йўқ. Хусусан, 1935 йилда АҚШ ҳукумати томонидан “Ижтимоий ҳимоя Акти” қабул қилинган. Ушбу Акт ишчилар учун қарилик нафақалари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса қурбонлари учун нафақалар, ишсизлик суғуртаси, қарамоғида бўлган оналар ва болалар, кўр ва ногиронлар учун ёрдам тизимини ўрнатди. Таъкидлаш жоизки, “Ижтимоий ҳимоя Акти” том маънода ижтимоий ҳимоянинг барча масалаларини қамраб олмаган бўлса-да, у бугунги кунда барча демократик тараққиёт йўлидан бораётган давлатлар учун намуна ва ўрнак бўла олади”[8].

Ижтимоий таъминот - кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими. Ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи.

Ижтимоий таъминот - тўғридан-тўғри давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлари, ҳомийлар (турли жамғарма ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий таъминот миқдори ва тақдим этиш тартиби миллий урф-одатлар ва халқаро меъёрларга асосан ишлаб чиқилган қонунчилик ҳамда давлатнинг иқтисодий имконияти доирасида амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоя - кенг маънода — мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чоратадбирлар мажмуи; тор маънода —

давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

“Ижтимоий ҳимоя давлатнинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт- шaroит яратишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий кафолатлар йиғиндисини ташкил этади. Ҳар қандай давлат томонидан юритиладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади - ижтимоий адолатга таянган ҳолда, ушбу жамиятда яшаётган барча фуқаролар турмуш фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Инсоннинг инсонлар жамоаси томонидан ҳимояланиши у ёки бу кўринишдаги кишилиқ жамиятига, хусусан, инсонларга хос бўлган феномендир”[9].

Аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш тизими қисқа муддатли чора-тадбирларга эмас, балки инсонларни тақдир тақозоси билан тушиб қолган қийин вазиятдан олиб чиқиш ва тинч-осуда ҳаётга қайтариш учун йўналтирилган бўлиши лозим. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ижтимоий давлат принциплари дунёнинг ривожланган бир қатор давлатлари Конституцияларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Германия, Испания, Франция, Туркия ва Хорватия каби давлатлар ҳам бугун ана шу йўлдан бормоқда.

Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши, эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ янги қоидалар киритилгани эса Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият куриш йўлидан дадил кетаётганлигини кўрсатади.

“Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 19-моддасида ушбу жиҳат ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилган ва кафолатланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Ушбу қоида билан инсоннинг асосий, табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш давлат ва жамиятнинг энг асосий вазифаси сифатида Конституция даражасида мустаҳкамланди. Мазкур ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқи, эркинликка бўлган ҳуқуқ, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги, бошпана ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, суд ҳимоясига

бўлган ҳуқуқ, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш, фуқароликка эга бўлиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, тиббий ва бошқа ҳуқуқлар киради. Ушбу қоида Ўзбекистон аъзо бўлган инсон ҳуқуқларига оид 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатда белгиланган”[10]. Жумладан, Италия, Словения, Чехия ва Испания Конституцияларида ҳам бу норма мавжуд.

Ўзбекистонда ижтимоий давлат тизими XX-асрнинг йигирманчи йилларида амалга оширила бошланган. 90-йилларда эса, бозор иқтисодиётига ўтиш учун амалга оширилаётган туб ислохотларга ҳамоҳанг тарзда амалиётга жорий этала бошланди. Мамлакатимизда шахсларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг қонуний-ҳуқуқий асоси яратиб келинмоқда. Ижтимоий ҳимоя тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди. Мамлакат аҳолисининг даромад олишнинг қафолатланиши амалга оширилди. Кенг миқёсда янги иш ўринлари яратилиши аҳолини иш билан таъминлаш ишсизлик муаммосини ҳал қилмоқда. Бунда, айниқса, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес, ўрта бизнесни ривожлантириш, касаначилик қўл келмоқда. Инфляциянинг олдини олиш, сўмнинг ҳарид кучини сақлаш, бизнес-тижорат устидан давлатнинг доимой ва маромий назоратини ўрнатиш, маркетинг, савдо, реклама кабиларни рақамлаштириш ва рағбатлантириш Ижтимоий ҳимоянинг ривожлантириш гарови бўлиб хизмат қилмоқда.


“Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши тушунчасининг иқтисодий мазмунини аниқлашда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро Меҳнат Бюроси (ХМБ)”[11] мутахассисларининг алоҳида нуқтайи назари мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Ўз тажрибасида улар ижтимоий ҳимоя масаласини ҳал қилишда икки асосий йўлдан борадилар.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат муассасаларнинг қафолатли тизимидир.

Давлат ва инсон ўртасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар турли тушунмовчиликларга, инсон ва фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига олиб келади. Бу эса, инсон манфаатлари устунлиги асосида “инсон – жамият – давлат” тамойилини амалга оширишга хизмат қилади.


Қамров ниҳоятда кенг. Хусусан, Меҳрибонлик уйлариининг тарбияланувчилари, шу жумладан ота-онаси меҳнат миграциясидан йиллаб уйига келмайдиган инсонларнинг фарзанди бўлган «ижтимоий етимлар». Ўзининг тузалмас касаллиги билан яккама-якка қолган ногиронлиги бор

инсонлар. Адашиб, қонунни бузган ўсмирлар. Уйда қаровчиси йўқ кексалар. Ижтимоий реабилитациясиз қолган собиқ маҳбуслар. Онкологик ва бошқа оғир дардга чалинганлар. Оғир вазиятга тушган оилалар ва оилавий зўравонлик қурбонлари.



1-расм. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари[12]

Кўриниб турибдики, кимлардир вақтинчалик ёрдамга, кимлардир эса узоқ муддатли кўмакка муҳтож. Шунинг учун, муаммоларни мақсадли ҳал қилишга имкон берадиган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши шарт.



2-расм. Жаҳон миқёсида ижтимоий ҳимоя йўналишлари [13]

Ижтимоий ҳимоя тизимлари турли мамлакатларда турлича амалга оширилиб келинган.


Скандинавия тизимида мамлакатда яшовчи фуқаролар ижтимоий таъминот ҳуқуқига, барча ишловчилар иш ҳақиға қараб имтиёзлар олиш ҳуқуқига эға. Давлатнинг асосий вазифаси тўлиқ бандликни таъминлашдир, масъулият давлатға юкланади.

Бисмарк тизимида жамият барча аъзоларига маблағ даромад топишға ижтимоий таъминот учун имконият яратилади. Давлатнинг асосий вазифаси аҳоли даромадларини ошириш ва ҳимоялаш ҳисобланади, бунда масъулият ишловчига юклатилади.

Беверидж тизимида ҳар бир фуқаро касалланганда, кексайганда, ҳомиладорликда, вафот этганда ижтимоий нафақа ёки пул кўринишдаги ёрдам билан камраб олинади.

Давлатнинг асосий вазифаси фуқароларнинг минимал даромадларини ҳимоялашдир, демак, масъулият давлатға юкланади. Швециялик олим Эспинг-Андерсон 1991 йилда ижтимоий ҳимоя тизимини қуйидагича гуруҳлашни таклиф этди.

Либерал тури. Ижтимоий ёрдам бериш мезони – муҳтожликни текшириш, давлатнинг ижтимоий ёрдамини эркин бозордан ажратиш, манзилли ёрдамға интилиш билан ажралиб туради. Асосий мақсади – камбағалликни йўқотишдир. Илк бор Буюк Британия, Японияда фойдаланила бошланган.



3-расм. Ижтимоий ҳимоя дастурларининг ривожланиш тамойилларининг таснифланиши[15].

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими швед умумий фаровонлик давлатининг асосий унсури ҳисобланади. Давлат ижтимоий ночор аҳоли тоифаларига ижтимоий неъматларни қайта тақсимлаш вазифасини ўз

зиммасига олади. Жамиятда юзага келган эҳтиёжлар даражасига мос юқори нафақалар миқдори турларининг хилма-хиллиги (пенсиялар, нафақалар, уйларда қарияларнинг яшашини таъминлаш)ни белгилайди.

Жаҳон тажрибаси асосида фикр билдириш мумкинки, ижтимоий ҳимоя икки устун – ижтимоий таъминот ва ижтимоий фаолият асосида юзага келади.

1. Ижтимоий таъминот тизими -ҳукумат томонидан молиялаштириладиган ва Пенсия жамғармаси томонидан ажратиладиган пул маблағлари воситалари кўринишидаги турли тўлов дастурларни ўз ичига олади.

2. Ижтимоий иш тизими – инсонларга шахсий ва ижтимоий қийинчиликларини бартараф этишда қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш, тузатиш, реалибитация орқали ёрдам беришга қаратилган касбий фаолият ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун ягона мувофиқлаштирувчи орган фаолияти керак бўлиб, у ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ишни самарали амалга ошириш учун туман тизимидан бошлаб, барча давлат тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Ушбу орган турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш, турли ташкилотлар томонидан уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий таъминот дастурининг амалга оширилиши ва бошқарилишини мониторинг қилиш учун масъул бўлиши лозим.

“Бу нима учун керак?” Аслида сабаблар бир нечта:

1. Ўзаро мувофиқлаштириш. Мамлакатимизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг фаолияти 2016 йил феврал ойида Меҳнат вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиши оқибатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи “боқувчисини йўқотган етим”дек бўлиб қолди.

2. Бюджетнинг оптималлаштирилиши. Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий соҳага қарийб 60 фоиз маблағ ажратилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва таълимга оид катта харажатлардан ташқари ушбу соҳадаги харажатлар интернат муассасалари ҳамда ижтимоий тўловларнинг харажатларини қоплашга сарфланади. Шу билан бирга турли ташкилотларда тўловларнинг “мурожаатлар” асосида амалга ошириш таъйини мавжуд бўлиб, мураккаб вазиятлар тизимли ўрганилмасдан ва назоратга олинмасдан моддий ёрдам кўрсатилади.

кам таъминланганликнинг (тирикчилик минимумининг, айниқса, бозор муносабатлари шароитларида) белгиланган чегараси доимий ошиб бориши

аҳолининг турли қатламлари учун истеъмол нархлари ўсиши товонини тўлаш механизмининг такомиллашмаганлиги

аҳолининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари


шахснинг жамият ижтимоий таркибидаги ўрни

инсоннинг жамиятнинг у ёки бу гуруҳига (ёши, маълумоти, касби, яшаш жойи) мансублиги

4-расм. Кам таъминланганлик сабаблари, ҳажми ва шакллари [15]

Кам таъминланганликнинг қатор мезонлари ва кўрсаткичлари мавжуд. Кам таъминланганлик жамиятнинг катта қисми учун хос бўлган мўтадил турмуш тарзини олиб бориш учун моддий бойликларнинг етишмаслиги сабабли юзага келган ҳолатдир. Бу ҳолат тузилиш, шакллари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар барча жамият учун хосдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни турли мулкчилик иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялашни назарий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, ижтимоий ҳимоялашни умумий тамоилларига тўхталишга тўғри келади:



5-расм. Ижтимоий ҳимоянинг умумий тамойиллари [16]

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлат ижтимоий таъминоти ва суғурталаш муҳим рол ўйнайди ва унинг қуйидаги турларини келтирамиз:

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ва бошқа ижтимоий таъминотлар, давлат пенсия таъминоти, қариялар уйида ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни таъминлаш, инвалидларни протез ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш, болалар уйидаги ва интернатдаги тарбияланувчиларни таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ва меҳнат бўйича реабилитация қилишни таъминлаш, ногиронларни курорт-санатория, дори-дармонлар билан таъминлаш, уйда ёрдамга муҳтож фуқароларга ижтимоий таъминотни ташкил этиш. Аҳолини турли мулкчилик шароитида ижтимоий ҳимоялашда давлат ижтимоий суғуртаси асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун зарур бўлган ижтимоий суғуртани ҳуқуқий ташкилий формалари давлат томонидан бошқариладиган ва белгиланган ҳуқуқий нормаларга асосланиб, кам таъминланган ишловчиларга қараганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан ажралганда ишловчиларнинг ўзлари ва оилаларни таъминлаш учун маблағ сифатида берилади.

Хулоса

Ижтимоий ҳимоя аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш, ушбу мақсадда илмий-назарий асослар кўриниши муҳим амалга оширилади. Илмий-назарий асослар молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалга оширилиши ва ҳисобот ва баҳоланиши кўп турли соҳалардаги давлат ва жамият ижтимоий ҳимоя тизими учун кўрсатилган ўрнини таъминлайди. Илмий-назарий иқтисодиёт, молия тизими ва инсон раҳматланиши соҳасидаги таҳлиллар ўриндошларни ижтимоий ҳимоя тизимининг эффективлигини ўрганишда ва ташқи муҳим харажатларни тўғри амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Илмий-назарий масалалар ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида қонунчилик ва сиёсат кўринишида асосий рол ўйнайди. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг назарий асослари қонунчиликга асосланади ва молиявий сиёсатнинг бошқа аспектлари билан биргаликда ишлайди. Илмий-назарий масалалар ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида қонунчилик ва сиёсат кўринишида асосий рол ўйнайди. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг назарий асослари қонунчиликга асосланади ва молиявий сиёсатнинг бошқа аспектлари билан биргаликда ишлайди.

Ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун ягона мувофиқлаштирувчи орган фаолияти керак бўлиб, у ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ишни самарали амалга ошириш учун туман тизимидан бошлаб, барча давлат тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳошимов П, Абдуллаев.Ш, “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари”. Иқтисод ва молия, –Т №9, 2012. – Б 22-23.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель.
3. Салин В.Н, Шпаковская Е.П. Социально-экономическая: Учебник.-М.: Юрист.2011 -с39.
4. Черкасская Г.В. Общая теория социальной защиты: предмет, источники, элементы, основные положения и закономерности, принципы и парадоксы. <https://cyberleninka.ru/article>.
5. Дулясова М.В., Ханнанова Т.Р. Социальная защита работника: жизнь, здоровья, деловая репутация. - М: Экономика, 2008. С. 17.
6. Черкасская Г. В. “Проблемы социальной политики. подготовка кадров”. Проблемы современной экономики, N 3 (27), 2008.
7. Касимова Г. “Ҳазначилик тизимида ижтимоий соҳанинг молиявий таъминоти услубиётини такомиллаштириш”. Монография. “Иқтисод молия” 2021. 28 б.

8. Абдуллаев Р. “Ижтимоий ҳимоя таснифи: ислом ва анъанавий ҳимоя тизимлари қиёсий таҳлили” мақола. 2023 й. Innovative Development in Educational Activities.

9. Республика маънавият ва маърифат кенгаши. Республика маънавият тарғибот маркази, Ижтимоий ҳимоя йили: мазмун ва моҳияти, -Т: 2007 -Б 31.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 19-модда. 2023 йил 30 апрель

11. <http://ziyonet.uz/uploads/books/3602/53f33b88c19d3.pdf>

12. Бекназаров.З “Ўзбекистон республикасида ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш йўналишлари” диссертация иши. 2023 й. 46 б.

13. John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016, p-4, ISSA.

14. John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016, p-4, ISSA.

15. Абдурахмонов.Қ, Умурзаков.Б, Абдурахманов.Х. “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш”. Ўқув қўлланма. 2019 йил. 42 бет.

16. John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016, p-4, ISSA.

17. Шолдаров Д. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 9.